

## Ҳурматли талабалар, ажойиб янгилик!

Пандемия шароитида онлайн таълим жараёнини самарали ўтказиш ва бир вақтнинг ўзида талабаларга қулайлик ва интернет трафикни тежаш мақсадида, институтимизнинг ТЖИЧАБ (Технологик жарараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш) кафедраси жамоаси томонидан 5311000 (Технологик жараёнларни ишлаб чиқаришда автоматлаштириш ва бошқариш) мутахассислиги талабалари учун андроид дастури ишлаб чиқилди.

Дастур қуйидаги имкониятларга эга:

- Кафедранинг онлайн дарслар тўплами (YouTube)
- Автоматик янгиланувчи дарс жадвали талабалар малакасини ошириш учун форум
- Шахсий онлайн кундалик
- Институтимиз расмий YouTube канали
- Профессор ўқитувчилар билан онлайн портал

Дастурнинг муаллифларидан бири Озодов Эзознинг айтишича, кутилаётган дастурнинг кейинг босқичларида Зоом платформасини ўрнини босувчи видео чат ишлаб чиқиш режалаштирилган. Ҳурматли талабалар, бизнинг институтимиз сизга сифатли таълим бериш учун доимий изланишда давом этади. Келаётган янги ўқув йилингиз омадли бўлсин!

